

# **МАВЗУ: МЕҲНАТ ПСИХОЛОГИЯСИ**

**Режа:**

- Психология ва меҳнат.**
- Меҳнат фаолиятини ўрганиш методлари.**
- Меҳнат фаолиятининг классификасияси.**
- Профессионал шахсинг шаклланиши.**

**«Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак».**

**И.А.Каримов**

*Меҳнат психологияси* – киши меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганади. Бугун том маънода, меҳнат фаолиятининг психологик қонуниятларини билиш, меҳнат вазифаларини рўёбга чиқаришда инсон шахси имкониятларини ва чегарасини аниқлаш, инсон ва меҳнат шарт-шароитларининг ўзаро таъсири ҳамда мослашувининг қонунларини ўрганиш энг муҳим ҳисобланади.

*Меҳнат фаолияти психологияси* – бу психологиянинг бир соҳаси бўлиб, инсон шахсини меҳнат субъекти сифатидаги шаклланиши хусусиятларини, меҳнатнинг шарт-шароитлари, йўллари ва усулларини илмий жиҳатдан ўрганади.

# Меҳнат фаолияти психологиясининг асосий вазифаларига қуйидаги муаммолар бўйича амалий тавсияларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш киради:

Касбий фаолият муайян турларининг психологик хусусиятлари (унинг воситалари, мазмуни, ташкил этиш ва шарт-шароитлар, хатолар таҳлили, касблар класификасияси ва бошқалар);

Шахс индивидуал-психологик хусусиятлари ни меҳнат самараси, муваффақияти ва хавфсизлигига таъсири;

Шахс касбий лаёқати шаклланишининг психологик қонуниятлари (касбга йўналтириш, касбий танлов, касбий тайёргарлик, меҳнатга мослашув);

Меҳнат кишининг функционал ҳолати (толиқиш, эмосионал зўриқиш, стресс, монотония ва бошқалар) ва уларни диагностика, профилактика ва коррекция қилиш усуллари;

Инсон ва техника муносабатларининг психологик қонуниятлари;

Янги техникани яратиш ва қўллаш жараёнининг инженер-психологик таъминоти (лойиҳалаш, баҳолаш).

**Меҳнат** – инсон эҳтиёжини қондириш асосида ташқи оламни ўзгартиришга қаратилган мақсадли фаолият бўлиб, у инсон фаоллигининг англанган бир турига киради. Меҳнат инсон учун шахсий ва ижтимоий ҳаётида ўзини рўёбга чиқариш ва кўрсата олиш восита ҳамда усулидир.

Меҳнат функцияларининг самарали амалга ошиши қуйидаги омилларга боғлиқдир:



муайян фаолият учун  
лаёқатли кишиларни  
танлаш



меҳнат жараёнини  
ташқил этиш ва  
рационал шароитлар



касбий тайёргарлик




меҳнат қуролларининг  
қулайлиги ва самарали  
эканлиги



иш кўламига инсон  
имкониятларининг мос  
келиши

**Мутахассислик** –  
фаолият шакллари  
бирлашмаси бўлиб,  
мазмун, воситалар,  
ташкилотлар, меҳнат  
натижалари ҳамда  
меҳнат субъектини  
тайёрлашга  
қўйиладиган талаблар  
мажмуини ташкил  
этади.

# Психологик фаолият тизимининг тузилмавий чизмаси





Шахсни меҳнат фаолиятида психик ҳолати, жараёнлари, меҳнатдаги ютуқларини аниқлаш мақсадида турли методлар қўлланилади. Бунда қайси мезонларга кўра шахс муваффақиятларга эришиши амалга ошганлиги масаласи муҳим бўлади.

- аниқ фаолиятнинг ўзига хос томонлари билан танишиш учун *иш ҳужжатларини таҳлил этиш*;
- фаолият мазмунига оид маълумотни визуал тўплаш учун *иш жараёнини кузатиш*;
- *хронометраж*, меҳнат жараёнининг айрим кўрсаткичларини баҳолаш;
- меҳнат кишисидан ёзма ёки оғзаки равишда маълумот олиш учун *сўров* (анкета, суҳбат, эксперт баҳолаш) методи;
- меҳнат вазифаларини бажаришга оид шахсий тасаввур, фикр, кечинмаларни *ўзида кузатиш* ва *ўзида ҳисоботи*;
- меҳнат фаолиятига қўйилган экспериментатордан фаолиятга оид маълумотларни олиш учун *меҳнат методи*;
- шахснинг ҳаётий ва фаолиятга оид маълумотларини таҳлили учун *биографик метод*;
- фаолият шароитларини ўрганиш учун *физиолого-гигиеник методлар*;
- меҳнат субъектининг психологик хусусиятларини ўрганиш учун *тажриба(табиий ва лаборатория) методи*.

*Профессиография методи* – Меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини таҳлили олинган сифат ва миқдор кўрсаткичларининг ҳар томонлама ўрганиш ҳамда системалаштиришга асосланади.

*Профессиография* деб, меҳнат субъектининг фаолият таркиблари (унинг мазмуни, воситалари, шароитлари, ташкилот) билан ўзаро муносабати ва боғлиқлигини ўрганиш ва аниқлашга қаратилган комплекс методга айтилади.

### 3. Меҳнат фаолиятининг классификацияси

Жамиятнинг ҳар бир ривожланиш босқичида, унинг ижтимоий-иқтисодий даражасига кўра, фан-техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда янги меҳнат фаолияти турларининг пайдо бўлиши, эскиларининг йўқолиши кузатилади. Бу жараён меҳнат субъектининг характеристикаси ва фаолият компонентларида намоён бўлади.

Меҳнат фаолиятининг турли  
характеристикалари унинг турли  
классификацион кўрсаткичларга кўра  
тизимлаштиришга олиб келади. Бунга  
мисол сифатида бундай таснифнинг  
бир кўринишини келтириш мумкин.

1. Меҳнат эгасининг иш юкламаси хусусияти ва меҳнат вазифаларини бажаришига кўра: *жисмоний* ва *ақлий* меҳнат.
2. Меҳнат вазифаларининг характеристикаси, иш кўлами
3. Меҳнат шароитларининг хусусиятларига кўра қулай шароитли (меҳнат шароитларида гигиеник талаблар норма даражасида бўлиши), ноҳуш ва ноқулай иш шароитлари (босимнинг кўтарилиши – ғаввосларнинг иши, паст ҳарорат – қутбда ишлайдиганлар, маълумотлар оқимининг жуда кўп бўлиши – диспетчерлик хизмати).
4. Фаолият ташкил этилиши

## 4. Меҳнат Профессионал шахсининг шаклланиши

“Меҳнат эгаси”, яъни меҳнат субъекти тушунчаси психологиянинг фундаментал категорияси бўлиб, у инсоннинг англаб, мақсадли, фаол ҳаракат қилишини билдиради. Меҳнат эгаси сифатида аниқ бир инсон (индивид)гина эмас, балки ижтимоий гуруҳ, яъни меҳнат жамоаси ҳам олиниши мумкин. Шундай қилиб, меҳнат субъекти, эгаси – бу фаол ҳаракат қилувчи, англаш ва ўзгартиришга лаёқатли, онг ва ирода билан иш олиб борувчи индивид ёки ижтимоий гуруҳдир.

# Меҳнат эгаси бўлиш учун ушбу талаблар амалга ошиши зарур:

- қобилиятларнинг ва бошқа касбий муҳим сифатларнинг юқори даражасига эришиши;
- меҳнатдан қониқиши;
- меҳнат объектини тўғри тушуниши ва ақс эттириши;
- ўзини бошқара олиш тизимини ривожлантириши;
- фаолиятнинг умум қабул қилинган усулларини ўзлаштириши;
- ўзини-ўзи баҳолай олиши малакаларини ривожлантириши, ўзини рўёбга чиқара олиши ва ҳурмат қила олиши.

## МЕҲНАТ СУБЕКТИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛИЗАЦИЯСИНИ УШБУ ТҶҲҲТ ЙЎНАЛИШДА КЎРИШ КЕРАК:

- Унинг ижтимоийлашуви жараёни сифатида.
- Шахс ривожланиши жараёни сифатида.
- меҳнат биографияси, ижод йўли, касбий ривожланиш давлари сифатида
- Шахснинг фаоллик кўриниши сифатида.